

"ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИК, ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ХАМДА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК."

*ДБҚ Божхона институти «Махсус ҳуқуқий фанлар» кафедраси доценти,
божхона хизмати подполковниги –*

Ильин Вячислав Михайлович
*ДБҚ Божхона институти 4-курс курсанти
Собиржонов Илхомжон Ғуломжон ўғли*

Аннотация. Такдим этилаётган мақолада ХХІ асрда чуқур илдиз отган, барча мамлакатлар ва халқлар миллий хавфсизлигига бирдек таҳдид солишга уринаётган экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган бир қатор чора тадбирлар ҳамда миллий тажрибаси, бундан ташқари терроризмга қарши курашишда жаҳон ҳамжамияти билан олиб борилаётган ҳамкорлик масалаларига бағишланади. Таҳлилий маълумотлар асосида экстремизм ва терроризмни олдини олиш бўйича тўпланган бир қанча хулосалар берилган.

Аннотация. В статье рассмотрены основные моменты реализуемых мер в Республике Узбекистан в борьбе с экстремизмом и терроризмом имеющие корни с начала ХХІ века которые угрожают национальной безопасности не только нашей страны но и во всех стран и народов, а также вопросы сотрудничества с международным сообществом в борьбе с терроризмом. На основе анализа сделан ряд выводов по профилактике экстремизма и терроризма а также включены рекомендуемые меры по улучшению сотрудничества.

Abstract. In the presented article, a number of measures and national experience of the Republic of Uzbekistan in the fight against extremism and terrorism, which have taken deep roots in the 21st century and are an equal threat to the national security of all countries and peoples, are devoted to issues of cooperation with the world community in the fight against terrorism. . Based on the analysis, a number of conclusions are drawn on the prevention of extremism and terrorism.

Калит сўзлар: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, божхона органлари, экстремизм, терроризм, халқаро терроризм, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, халқаро ҳамкорлик.

Ключевые слова: правоохранительные органы, таможенные органы, экстремизм, терроризм, международный терроризм, межрелигиозная толерантность, межнациональное согласие, международное сотрудничество.

Key words: law enforcement agencies, customs authorities, extremism, terrorism, international terrorism, interreligious tolerance, interethnic harmony, international cooperation.

Дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги муносабат масаласи, инсоният тарихининг барча давларида ҳал қиливчи аҳамиятга эга бўлган. Бошқача айтганда, инсон ҳаёти мазмунини ташкил қилувчи ушбу икки таркибий қисм ўртасида муросага эришиш ҳар қандай жамиятнинг мавжуд ҳолати ва истиқболини белгиловчи бош мезон бўлиб келган. Баъзан турли экстремистик ғоялар таъсирида ушбу икки омил ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, мамлакатларни тўс-тўполонлар ва жаҳолат гирдобига тортаётганлиги ҳаммага маълум.

Айнан шунинг учун ҳам, экстремизм, шунингдек терроризм кўп қиррали ва салбий ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида миллий чегараларни четлаб ўтиб, дунё ҳамжамияти хавфсизлиги учун ҳам таҳдид солади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2017 йил 12-сентябридаги 72-сессиясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни алоҳида қайд этган: «Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда»[1].

Мамлакатимизда терроризм ва экстремизмга қарши кураш борасида доимий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Тараққиёт Стратегиясининг «Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш» деб номланган VI бобида 82-мақсад сифатида айнан: «Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини

шакллантириш»[2] деб ном берилиб, алоҳида йўналишлар белгилаб берилган.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг самарадорлигини оширишда халқаро ташкилотлар, давлатлараро кўп ва икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, миллий қонунчиликда мустаҳкам ҳуқуқий асосни яратиш, шунингдек, террорчи гуруҳларнинг жиноий фаолиятини фoш этиш ва алоҳида терроризм ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш муҳим ўрин тутди.

Шу йўналишда халқаро ташкилотлар ва бир қанча давлатлар терроризмга қарши кураш соҳасида яқдил ҳаракат қилишлари лозим эканлигини тасдиқламоқда ҳамда бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Мисол учун 2017 йил 7 апрель куни Тошкент шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Давлат раҳбарлари кенгашида кўриб чиқиш учун киритилган МДХ давлатларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиги Концепцияси ҳамда жиноий ишларнинг моддий далиллари бўлган наркотик ва психотроп моддалар ҳамда уларнинг прекурсорларини, ўқотар қурооллар, уларнинг асосий қисмлари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларни топшириш тартиби тўғрисида Баённома лойиҳалари имзоланган эди.

Шунингдек Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2022 йил 16 сентябрьда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди, жумладан улар орасида терроризмга қарши кураш соҳасида «ШХТ Бош котибининг ташкилотнинг ўтган йилги фаолияти ҳамда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг 2021 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари ҳақида» ги қарор ҳам имзоланди.

Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларга, уларни қўллаб-қувватловчи, молиялаштирувчи, таъминловчи ва йўналтирувчи манбаларга қарши кураш доирасида қабул қилинган 14 та халқаро конвенция ва протоколни ратификация қилган, шунингдек, 7 та минтақавий шартномалар имзоланган. Ўзбекистоннинг миллий қонун ҳужжатларини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўз ҳудудида ана шу йўналишдаги ҳар қандай кўринишларнинг монанд равишда терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш ва уларнинг олдини олишни таъминлайдиган ҳуқуқий базани такомиллаштирилиши фикримизнинг яққол далили ҳисобланади.

Ўзбекистон терроризмга қарши кураш ҳаракатидаги умум Европа жараёнининг иштирокчиси бўлиб келмоқда. Шартномавий-ҳуқуқий база ташкил этилаётганлиги Европа Ҳамжамияти доирасида уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасида лойиҳаларни тузиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Эрон, Япония ва Марказий Осиё республикалари, шунингдек, Европанинг бошқа давлатлари билан икки томонлама ҳамкорлигини тобора мустаҳкамлаб келмоқда. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги учун кенг имкониятларни кенгайтириб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва қурол-яроғ савдосига қарши кураш борасида ўзаро ҳаракатлар олиб бориш соҳасидаги ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди. Бундай ҳамкорликнинг яққол мисоли Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида тузилаётган аксилтеррорчилик тизимидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳисобланади. Бу борадаги муҳим халқаро ҳужжат – «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги Шанхай Конвенциясини Ўзбекистон 2001 йил 30 августда ратификация қилди[3].

Терроризмга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида глобал миқёсда хавфсизликни ва барқарорликни таъминлаш соҳасида узвий алоқалар йўлга қўйилган. Компьютер тизими ёрдамида террорчилик ҳаракати содир этиш (кибертерроризм) ҳисоблаш марказлари, тиббиёт соҳаси ва ҳарбий базаларни бошқариш, банк ва бошқа молиявий тармоқларни издан чиқаришга мўлжалланган. Давлат муассасалари ва бошқаларга зарба бериш, иқтисодий зарар етказиш, баъзи бир катта аэропортлардаги алоқа тармоқларини ишдан чиқариш беҳисоб кишилар ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Террорчиларнинг, ҳатто, космосдаги техникавий асбобларни қўлга киритиб, улардан ҳам жиноий мақсадларда фойдаланиш имкониятлари борлиги эҳтимолдан холи эмас.

Экстремизм ва терроризм бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона жараённинг бирин-кетин ривожланадиган босқичларидир. Шундай экан, терроризм глобал миқёсга чиққан ҳозирги шароитда, давлат унга қарши курашда ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, мувозанатлаштирилган стратегияни ишлаб чиқиши керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикасининг ўз тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини, ҳалигача терроризм, наркобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби қатор таҳдидлар мавжуд бўлган Марказий Осиёдаги кучлар нисбатини ҳисобга олиб, ишлаб чиққан ички ва

ташқи сиёсати алоҳида аҳамиятга моликдир. Айнан шу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июль 2021 йилда ПФ-6255-сонли “2021 – 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Ҳамда комплекс режали йўналишларни белгилаб берди.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ушбу стратегиясида мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик дастурларида, давлатларнинг терроризмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадлари ўз ифодасини топган.

Экстремизм ва Терроризм жиноят шакли сифатида ута огир жиноят турига киритилган. Унинг таъсирини бошқа жиноят шаклларида кўриш мумкин. Одатда наркобизнес ва қурол-яроғ контрабандаси асосий молиявий манба ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки ҳар бир давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тизимида Божхона хизмати органларинг ҳиссаси бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари ҳам мамлакатимизда Контрабандага қарши курашиш борасида ваколатли орган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги жиноят кодекси 246-моддаси Контрабанда ҳисобланади унга кўра:

Контрабанда - яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи, захарли, захарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, шунингдек гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш ;

Ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материалларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш.[4].

Мазкур жиноят Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан турли шаклларда:

- а) божхона назоратини четлаган ҳолда;
- б) божхона назоратидан яширинган ҳолда;

с) ҳужжатлар ёки божхона идентификация қилиш воситалари¹дан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда;

д) кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлаш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуроллар ёки ўқдорилар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар ё экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмни тарғиб қилувчи материалларни декларациясиз ёки ўз номи бўйича декларация қилмаган ҳолда олиб ўтишда ифодаланади.

Айтиш лозимки, Божхона органлари олдида турган вазифалардан бири божхона чегаралари орқали ўтаётган товар ва транспорт воситаларини назоратдан утказиш ҳисобланадиган бўлса албатта уларнинг ичида диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмни тарғиб қилувчи материаллар ҳамда контрабанда предметлари ҳисобланадиган қурол-яроғлар ва уларнинг қисмларини ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни божхона чегаралари орқали ҳаракатланишини тўхтатиб қолиш ҳам асосий вазифа сифатида белгиланган.

Контрабанда буюмларини божхона назоратини четлаган ҳолда ўтказиш деганда, контрабанда буюмларининг уларни ўтказиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларнинг божхона органи ходимлари текширувисиз, ёки божхона идоралари белгилаган жойлардан ўзга жойдан, ёки бўлмаса божхона назоратини амалга ошириш вақтидан бошқа вақтда ўтказилиши тушунилади.

Божхона назоратидан яшириш деганда, контрабанда буюмларини хуфий жойлардан ва топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёки бир тусдаги ашёга иккинчисининг кўринишини бериб ўтказишни тушунмоқ лозим.

Ушбу норма ва унга берилган шарҳдан кўриниб турибдики контрабанда жинойти терроризмни молиялаштиришга қаратилганлигини тушуниш қийин эмас. Унга қарши курашиш: олдини олиш, аниқлаш, ва бартараф этиш вазифалари Давлат божхона хизмати органларига юклатилган муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада самарали фаолият олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати ҳамда бошқа хорижий давлатлар божхона хизматлари ўртасида қулай ахборот алмашиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил январь ойи давомидаги фаолиятига оид икки томонлама халқаро шартномаларнинг бажарилиши мониторинги натижаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан кўплаб давлатлар ҳукуматлари ўртасидаги халқаро шартномалар ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра хорижий давлатлар божхона соҳасида контрабанда ва

бошқа жиноятларга қарши курашиш доим ҳам керакли даражада олиб бориш осон эмаслигини тушуниш мумкин. Яъни юбориладиган маълумотномалар ва сўровномаларга жавоб олиш учун баъзан 6-9 ойгача муддат талаб этилади.

Шунга қарамасдан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 1994 йил 2 март куни божхона ишлари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Битим имзоланган. Мазкур Битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тезкор бўлинмалари ва Россия Федерацияси Федерал божхона хизмати ўртасида ўзаро ҳамкорлик режаси имзоланган. Мазкур режа асосида жорий йилда катта миқдордаги нақд чет эл валютаси билан Ўзбекистонга кириб келган шубҳали фуқаролар ҳақида 20 дан ортиқ огоҳлантириш хабарлари ДБКга келиб тушди.

Божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш, жумладан, контрабандага қарши курашиш бўйича яна бир қанча давлатлар ҳукуматлари ва божхона хизматлари билан Ўзбекистон Республикаси ва Давлат божхона қўмитаси ўртасида бир нечта келишувлар имзоланган. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида 1997 йил, 18 ноябрда божхона органларининг ўзаро ёрдами тўғрисида Битим имзоланган. Мазкур меёрий ҳужжат божхона иши соҳасида икки томонлама муносабатларни ўрнатиш ҳамда суриштирув ва маълумотлар алмашиш ишларини амалга оширишга қаратилган. Биргина ушбу келишувга мувофиқ Туркия давлатига 49 та сўров юборилди. Туркия божхона хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига 1 та сўров юбориб, маълумот алмашилган.

Худди шу каби келишувлар 1998 йилда Исроил, Қозоғистон Республикаси билан, 1995 йилда Буюк Британия, 2000 йилда Озарбайжон республикаси билан келишувлар имзоланган.

Юқоридаги меёрий ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки хорижий мамлакатлар шунингдек МДХ давлатлари билан контрабандага қарши курашиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси тегишли вазифаларни мунтазам бажариб бормоқда. Лекин ушбу келишувларнинг баъзан бир томонлама амалга оширилши туфайли ҳар доим ҳам ижобий натижа бермайди. Марказий Осиё минтақасида муҳим геостратегик ва геосиёсий мавқега эга бўлган ва 7089 км узунликдаги чегарага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг барча давлатлари, шунингдек, Афғонистон билан чегарадош. Бу эса вазият ҳар доимгидан ҳам мураккаб бўлган ҳолатда Халқаро ҳамкорликнинг нақадар муҳим эканлигидан далолат бермоқда.

Амалга оширилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар Республикамизда Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши

курашиш йўналишида Божхона органлари томонидан контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш йўналишида 2021 йилда 11 031 та (2020 йилда 9 586 та) ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, далилий ашё сифатида 856,7 (400,6) млрд сўмлик товар-моддий бойликлари ҳамда 21 та ҳолатда контрабанда предметлари ҳисобланмиш диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмни тарғиб қилувчи материаллар ушлаб қолинган.

Олиб борилаётган шундай ишларга қарамасдан экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасидаги қуйидаги умумий муаммоларни келтириб ўтиш мумкин:

- биринчидан, оммавий қирғин қуроллари, террористик кучларнинг уларга киришга интилишлари жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда – глобаллашув, замонавий дунёнинг ўзаро боғлиқлигининг кучайиши, икки томонлама фойдаланиш технологияларининг кенг тарқалиши ва мавжудлиги шароитида бу таҳдид трансмиллий хусусият касб этиб, кўплаб халқаро хавфсизлигига ва давлатларнинг барқарор ривожланишига хавф тугдираётганлиги;
 - иккинчидан, сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётган гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш жараёни дунёда хавфли нисбатларга эга – террористик кучлар улкан салоҳиятга эга глобал кучга айланмоқда, бунинг сабаби эса гиёҳванд моддалар савдоси уларнинг асосий молиявий манбаси ҳисобланади, ҳозирда уларнинг молиявий имкониятлари дунёнинг кўплаб мамлакатлари бюджетидан анча юқори ҳисобланади.
- Бундан ташқари экстремизм ва терроризмнинг молиявий манбаалари сифатида қурол-яроғ, портловчи ва захарловчи моддаларнинг савдосини ҳам курсатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда экстремизм ва терроризм ғояларига йўғрилган материаллар ва бошқа контрабанда ашёлари давлатимиз чегараларини кесиб ўтмаслиги учун Божхона хизмати органларининг ўрни бекиёсдир. Унинг шу йўналишдаги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, юқоридаги мисоллар каби хорижий мамлакатлар ва МДХ мамлакатлари доирасида ҳамкорлик йўлга қўйиб келинмоқда. Лекин юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича келишувлар кўплаб давлатлар билан икки томонлама тузилган бўлиб, шундай шартномаларга эга бўлмаган давлатлар ва ҳукуматлар билан маълумотлар алмашиш деярли имконсиз. Табир жоиз булса юқорида курсатилган таҳдидларга нисбатан биргаликда қарши курашиш учун аввало минтақада сўнгга жаҳон миқёсида тасирга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат яратишни кун тартибга қўйишни тақозо этмоқда. Шу ўрнида таъкидлаш лозимки, минтақавий хавфсизликни таъминлашга битта давлатнинг ҳамда муайян минтақа давлатларининг иқтисодий ҳамда ҳарбий салоҳияти, интеграция жараёнлари, жамоат хавфсизлигини шакллантириш борасида

масъулиятнинг мавжудлиги, шунингдек, мамлакатлараро ҳамда минтақалараро муносабатлардаги мувофиқлик каби омиллар ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бу ҳолат тобора кўплаб мамлакатларнинг манфаатлари тўқнашаётган майдон, улкан табиий, минерал хом-ашё, стратегик ресурсларга бой бўлган Марказий Осиё минтақаси учун жуда муҳимдир. Айнан мана шу омилни минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи асосий ташқи омил сифатида кўрсатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2017 йил 12-сентябрдаги 72-сессиясида сўзлаган нутқидан.
2. ПФ-6255-сонли «2021 – 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент Фармони
3. ТЕРРОРИЗМ, СЕПАРАТИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА Шанхай Конвенцияси 2001 йил 15 июнь, Шанхай. қонун ҳужжатлари маълумотлари Миллий базаси- Lex.uz, 2020.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.-Т.: Адолат, 1994.
5. Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: ўқув қўлланма/ Ж. Каримов- Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси 2021.